
Риштон тумани ҳоқимлиги Ахборот хизматининг БАЁНОТИ

Жорий йилнинг 7 март куни “Фарғона ҳақиқати” газетасининг 19-сонида “Янги уй-ғурбатхона” номли мақола эълон қилинган.

Ушбу мақолада Риштон туманидаги Янгиобод маҳалласи ҳудудида 2017-2018 йилларда барпо этилган намунавий уйларнинг эгаларига ҳалигача кадастр ҳужжатлари берилмаган, рўйхатга қўйилмаган ва бошқа керакли ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Шунингдек, яшаш ва деҳқончилик қилгани шароит йўқлиги, жумладан сув йўқлиги, иситиш тизими ишламаслиги, хона безакларининг кўчиб тушаётгани, шу билан бирга маҳаллада пиёдалар йўлакчасининг йўқлиги танқид остига олинган.

Риштон тумани ҳоқимлиги томонидан юқоридаги масала юзасидан тегишли масъул ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ томонидан белгиланган чора-тадбирларга асосан Янгиобод маҳалласидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишлари бошлаб юборилган.

Риштон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати

2020-03-13 06:11:16